

KONFERENSIYALAR UZ

ANJUMANLAR PLATFORMASI

**II RESPUBLIKA ILMIY-
AMALIY KONFERENSIYASI**

**YANGI DAVR ILM-
FANI: INSON UCHUN
INNOVATSION G'OYA
VA YECHIMLAR**

MAY, 2025



ELEKTRON NASHR:

<https://konferensiyalar.uz>

YANGI DAVR ILM-FANI: INSON UCHUN INNOVATSION G'OYA VA YECHIMLAR

**II RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYASI MATERIALLARI**

2025-yil, 12-may

TOSHKENT-2025

Yangi davr ilm-fani: inson uchun innovatsion g'oya va yechimlar.
II Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – Toshkent:
Scienceproblems team, 2025. – 60 bet.

Elektron nashr: <https://konferensiyalar.uz>

Konferensiya tashkilotchisi: “Scienceproblems Team” MChJ

Konferensiya o'tkazilgan sana: 2025-yil, 12-may

Mas'ul muharrir:
Isanova Feruza Tulqinovna

Annotatsiya

Mazkur to'plamda “Yangi davr ilm-fani: inson uchun innovatsion g'oya va yechimlar” mavzusidagi II Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari jamlangan. Nashrda respublikaning turli oliy ta'lim muassasalari, ilmiy markazlari va amaliyotchi mutaxassislari tomonidan tayyorlangan maqolalar o'rin olgan bo'lib, ular ijtimoiy-gumanitar, tabiiy, texnik va yuridik fanlarning dolzarb muammolari va ularning innovatsion yechimlariga bag'ishlangan. Ushbu nashr ilmiy izlanuvchilar, oliy ta'lim o'qituvchilari, doktorantlar va soha mutaxassislari uchun foydali qo'llanma bo'lib xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: ilmiy-amaliy konferensiya, innovatsion yondashuv, zamonaviy fan, fanlararo integratsiya, ilmiy-tadqiqot, nazariya va amaliyot, ilmiy hamkorlik.

Barcha huquqlar himoyalangan.
© “Sciences problems team” MChJ, 2025-yil
© Mualliflar jamoasi, 2025-yil

MUNDARIJA

TEXNIKA FANLARI

Rahimova Sevara, Hakimova Nargiza, Bakirov Shoxrux
QISHLOQ XO'JALIGIDA YUK MASSASINI O'LCHASHNING METROLOGIK TA'MINOTI: ANIQLIK,
USULLAR VA INNOVATION YECHIMLAR 4-10

Жуманазаров Акмал
АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ ГОРНО-РАЗМОЛЬНЫХ МАШИН: ТЕОРИЯ ОБЪЕМНОГО
РАСПРЕДЕЛЕНИЯ 11-18

Rahimova Sevara, Hakimova Nargiza, Bakirov Shoxrux
TIBBIYOTDA YUK MASSASINI O'LCHASHNING METROLOGIK TA'MINOTI: ANIQLIK, USULLAR
VA INNOVATION YECHIMLAR 19-23

TARIX FANLARI

Salayev Umrbek
OROL DENGIZI TARIXI. YANGI O'ZBEKISTONDA REJALAR VA USTUVOR VAZIFALAR 24-21

Atamuratova Dilafroz
XORAZM TIPOLITOGRAFIYASIDA NASHR QILINGAN BA'ZI ADABIYOTLAR TAHLILI 22-27

IQTISODIYOT FANLARI

Mirtursunova Dinara
BANKLARDA KREDIT RISKINI BOSHQARISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY
ASOSLARI 34-36

FALSAFA FANLARI

Холиқова Покиза
ИЖТИМОЙ ДЕВИАНТЛИК МУАММОСИНИНГ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ 37-41

FILOLOGIYA FANLARI

Yakubova Feruza
"SARF" VA "TASRIF" ATAMALARINING FARQLARI VA SARF ILMINING
NAZARIY ASOSLARI 42-44

Turdaliyeva Dilfuza
XALQ MAQOLLARINING KONTEKSTUAL TAHLILI 45-48

TIBBIYOT FANLARI

Турсунова Лайло, Дадажонов Хамидулло
КЛИНИКО-ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ НА
ДИАЛИЗНОМ ЭТАПЕ ХРОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ ПОЧЕК 49-54

Мамадалиев Хасанхон, Тошматова Зухрахон
ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДА АНТИФОСФОЛИПИД СИНДРОМИНИНГ УЧРАШИ ВА УНИНГ
ДЕРМАТОЛОГИК НАМОЁН БЎЛИШИ 55-59

FALSAFA FANLARI

ИЖТИМОЙ ДЕВИАНТЛИК МУАММОСИНИНГ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Холиқова Покиза

Самарқанд шаҳар бўйича
ИИО ФМБ 3-сон ИИБ ХҚМБ
инспектори лейтинант

Аннотация. Ушбу мақолада жамият ижтимоий ҳаётида муаммо ҳисобланадиган ёшлар ўртасида девиантлик масаласи ёритилган. Девиантлик унинг оқибатлари ва келиб чиқиш сабаблари мазкур мақолада таҳлил қилинган бўлиб унинг ижтимоий оқибатларини бартараф этиш усуллари ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: девиант хулқ-атвор, жамият, ахлоқ меъёрлари, инсоний фаолият, хатти-ҳаракат, ижтимоий ҳодиса, ёлғончилик, дангасалик, ўғирлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд қилиш, зиддиятли, оғиш, делинквет жиноий хулқ-атвор, норма.

SCIENTIFIC AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF THE PROBLEM OF SOCIAL DEVIANCE

Kholiqova Pokiza

Lieutenant, Inspector
of the Department for Internal Affairs No. 3
Samarkand City Department of Internal Affairs

Abstract. This article discusses the issue of deviance among young people, which is a problem in the social life of society. Deviance, its consequences and causes of origin are analyzed in this article, and methods for eliminating its social consequences are discussed.

Keywords: deviant behavior, society, moral norms, human activity, behavior, social phenomenon, lying, laziness, theft, alcoholism, drug addiction, suicide, contradictory, deviation, delinquent criminal behavior, norm.

Ўсмир ёшдагиларга хос хусусият шундаки, ташқи жиҳатдан ва ўз даъволарига кўра бу катта ёш, ички хусусиятлари ва имкониятларига кўра эса, улар ҳали бола. Ўсмирларнинг эркалашга, ўзига эътибор берилишига мойиллиги, ўйин қароқлиги мана шу билан боғлиқ. Шу билан бирга ўсмирларда ўзининг катта ёшли бўлаётганлигини ҳис этиш билан биргаликда онг, ўз қадр-қимматини ҳис этиш, жинсий мансублигини англаш уйғонади ва фаол шаклланади. Ўсмирлик ёши ўзида ҳар хил руҳий жароҳат етказадиган омиллар таъсирига тутиш хавфи юқори даражада бўлган шарт-шароитлар жамини ҳам ифодалайди. Ўтказилган социологик тадқиқотлар маълумотлар бўйича ота-оналар ўртасидаги уруш-жанжаллар, ўсмирнинг нуқтаи-назарига кўра уларда ўсмирни ва атрофдагиларни камситадиган нуқсонларнинг мавжудлиги, ўсмирга нисбатан ҳақоратловчи муносабат бўлиш, унга ишонмаслик ёки уни ҳурмат қилмаслик мана шундай кучли таъсир кўрсатадиган омиллардандир. Буларнинг барчаси болалар ва ўсмирларнинг ижтимоийлашуви жараёнини қийинлаштиради ва мана шу асосда

уларнинг хулқ-атворида ҳар хил четга чиқишларни келтириб чиқаради.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устувор ижтимоий бурч ҳисобланади. шу муносабат билан ювенал адлиянинг туғилиши долзарбдир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш болалар ва ўсмирлар ўртасида хавф доираси камайиш учун қулай шароитлар яратди. Шу муносабат билан жамоатчилик фикрида давлатнинг бола ҳуқуқларни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилалардан бўлган болаларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади ва Давлат раҳбарининг ушбу соҳадаги фаолиятига юкори баҳо берилади. Боз устига бола ҳуқуқларини, шу жумладан, иқтисодий ва ижтимоий усуллар билан ҳимоя қилиш Ўзбекистонда ҳуқуқ умумий тизимининг бир қисмига айланмоқда.

Вояга етмаганларнинг асоциал хулқ-атвори муаммоларини ҳал этишда ушбу салбий ҳодисалар профилактикаси катта аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан ўсмирлар асоциал хулқ-атвори профилактикаси сўраб чиқилган экспертларнинг фикрича ҳамда жамоатчилик фикри сўрови натижаларига мувофиқ, ўсмирлар ва ёшларга ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатиш ташкилоти, ижтимоий-психологик хизматлар, реабилитация ва маслаҳат марказлари, яшаш жойларида клублар ташкил этиш орқали амалга оширилиши мумкин. Жамоатчилик фикри сўрови маълумотларига биноан, ҳар бир маҳалла ҳудудида ювенал хизматлар шохобчасини ривожлантиришга, “хонадон педагогикаси” шаклларда жорий этишга, ёшлар муҳитида соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида, шу жумладан, гиёҳванд моддалар, алкогольдан воз кечишга ундаш соҳасида стратегияни белгилаш учун эҳтиёж мавжуд. Бу жиҳатдан ёшлар ҳаракатини фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Вояга етмаганларнинг асоциал хулқ-атвори профилактикаси ишида оммавий ахборот воситалари орқали ташвиқий-маърифий ишларни олиб бориш муҳимдир. Жамоатчилик фикри сўрови маълумотлари бўйича телевидение ўсмирлар ва ёшлар учун ахборот олишнинг афзалроқ манбаи ҳисобланади. Шу муносабат билан ижтимоий рекламанинг роли ўсади. Ижтимоий реклама ўз тақлифлари билан “меҳнатни рағбатлантирадиган, ижобий мақсадларга эришиш учун инсон фаолияти мотивациясини кучайтиради. Реклама ижтимоий қадриятларни ёйди ва тарғиб қилади. У мамлакатлар ва халқларнинг яшаш тарзини, андозаларини шакллантиришга қўмаклашади... Рекламанинг ижтимоий функцияси турмуш тарзи тарғиб қилинишини ҳам назарда тутати” [1].

Девиант хулқ-атворнинг энг яхши профилактикаси - бу тарбиянинг воситалари, шакллари ва усуллари аниқ белгилаб олган ҳолда вояга етмаганлар онгига мақсадга қаратилган ташкилий таъсир кўрсатишдир. Ҳуқуқий тарбияни олдини олиш имкониятлари тийишнинг бошқа воситаларига қараганда анча самаралироқдир. Чунки ҳуқуқий профилактика чоралари одатда, бирмунча кечикади ва қилмиш содир этилгандан кейин амал қила бошлайди. Олдини олиш билан боғлиқ ҳуқуқий чоралар “ишлаши” учун у боланинг онгига қўйилиши, унинг эътиқоди, тажрибасининг бир қисмига айланиши керак. Буни аниқ мақсадга қаратилган тарбиявий таъсир кўрсатиш йўли билан эришиш мумкин.

Ушбу йўналишда етарлича катта ишни амалга ошириш зарур бўлади, чунки

“Ижтимоий фикр” марказий ходимлари томонидан ўтказилган сўровга кўра, ҳар бир беш ёшдан фақат биригина ўзининг ҳуқуқий саводхонлигини яхши, деб баҳолаган. Сўраб чиқилганларнинг ярмидан ортиғини уни ўртача (54,3%), 14,9 фоизи паст деб баҳолайди. Ҳуқуқий саводхонлик даражаси билан белгиланади.

Бизга маълумки жамиятимизда содир қилинаётган кўплаб жиноятлар, жумладан вояга етмаганлар томонидан содир қилинаётган жиноятлар ва уларни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганишда вояга етмаган жиноятчиларнинг маънавий-ахлоқий шаклланишига таъсир этувчи салбий ҳолатларни таҳлил қилиш ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, оилада ёки кўча-кўйда турли хил ахлоқсиз хатти-ҳаракатларнинг гувоҳи бўлган ўсмир, ахлоқсизлик жиноятларини ҳам содир қилишга қўл уради. Бундай жиноятлар қаторига вояга етмаган ўсмирлар томонидан номусга тегиш ҳолларини кўришимиз мумкин.

Хўш, шу ўринда бир савол туғилади, бундай жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, туб моҳияти нимада? Шу ўринда биз ушбу жиноятларнинг содир этилишидаги шарт-шароитларга, сабабларга тўхталиб ўтамиз.

Вояга етмаганлар тарбияси билан жуда кўпчилик шуғулланади. Булар - ота-оналар, оилани катта ёшдаги бошқа аъзолари, мактабгача бўлган, мактаб ўрта махсус ва олий ўқув юртлари муассасаларидаги ўқитувчилар жамоат ташкилотлари ва бошқалардир.

Дарҳақиқат, ана шу вояга етмаганлар тарбияси билан шуғулланувчи шахсларнинг улар тарбиясидаги таъсири келажакда ўз таъсирини ўтказади.

Масалан, бугунги кунда келиб вояга етмаганларнинг оиладаги тарбияси жуда сустдир. Чунки носоғлом оилалар жамиятимизда бугунги кунда купайиб бормоқда [2].

Оилалардаги ота ёки она ичувчи ёки маънавий ахлоқсизлик билан ажралиб туради. Бунда назаримизда вояга етмаганлар томонидан содир қилинаётган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда унинг олдини олиш биринчи навбатда оила ахлоқини қадриятларимизга мослаштиришдан бошлашга тўғри келади.

Шу ўринда турли хил ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги турлича қарашлари мавжуд бўлиб, буларнинг барчаси вояга етмаганлар томонидан ахлоқсизлик хатти-ҳаракатларини содир қилишга оилани роли муҳимлиги ҳақида сўз юритилади.

Жумладан, В.Я.Рубальская томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, 47 % вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ота онанинг салбий таъсири ёки бефарқлигининг, 14,8 % оилада ҳамжиҳатлик йўқлигининг, 38,3% ота ёки онани йўқлигининг, 23,5 % катталарнинг лоқайдлиги туфайли жиноят содир этишнинг асосини ташкил этади [3].

Ўсмир ҳуқуқлари ўзида бутун инсониятнинг қадр-қимматини мужассам этади. Бу дегани болалик - инсон шахсининг ривожланишида ноёб, муҳим давр демакдир. Инсон ҳуқуқлари аввало, болалар ҳуқуқларидан бошланади. Ҳар қандай жамият ва барча инсониятнинг келажаги ўта юқори даражада ёш авлоднинг моддий ва жисмоний ривожланиш даражасига, унинг инсон ҳуқуқларини шахс ва жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини тушунишига, шунингдек, ўз тақдири ҳамда ўз ҳаракатлари учун маъсулиятига боғлиқ.

Инсоний билим ва жамоатчилик фаолиятининг алоҳида муҳитида ўсмир

хуқуқларини ажратиш жараёни XX асрнинг 20-йилларида, яъни инсон ҳуқуқлари концепциясининг иккинчи босқичида бошланди. Шу билан биргаликда, ўсмир ҳуқуқларининг ўзига хослиги ва аҳамиятини англаш фақатгина учинчи босқичда- XX асрнинг охирида содир бўлди. Ўсмир ҳуқуқларида биринчи авлод (салбий) ҳуқуқлари билан биргаликда иккинчи авлод (ижобий) ҳуқуқлари бирлаштирилди. 80 йилдан ортиқ вақт илгари 1924 йилда Миллат Лигаси (БМТ тимсоли) бола ва ўсмир ҳуқуқлари Женева декларациясини қабул қилди, унда биринчи марта болалар ҳақида “уларнинг жисмоний ва ақлий етилмаганини инобатга олиб” алоҳида ғамхўрлик қилиш зарурияти тўғрисидаги муҳим фикр принципаал равишда расмилаштирилди. 1989 йил 20 ноябрида БМТ Бола ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенцияни қабул қилди. Бугунги кунга келиб Конвенцияни БМТга аъзо бўлган 191та давлат ратификация қилди. Ўзбекистон Республикаси бу Конвенцияни 1992 йил 9 декабрида ратификация қилди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, ёш кадрларни тарбиялаш юзасидан миллий дастурнинг ишлаб чиқиши ҳам ушбу жараён тўлақонли хусусиятга эгаллигининг ёрқин ифодасидир. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик нормаларида вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш тўла маънода ўз аксини топган. Жумладан, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят, Фуқаролик, Меҳнат, Уй-жой ва оила кодексларида вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг имтиёз ва кафолатлари мустаҳкамланган.

Эр-хотинни никоҳдан ажратиш масаласини ҳал этишда вояга етмаган фарзандлар манфаатларини ҳимоя қилиш Оила кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори кўрсатмалари асосида амалга оширилиб, судлар томонидан оилани барбод бўлишдан сақлаш, тарафларга ўзаро ярашиш учун муҳлат бермасдан никоҳдан ажратмаслик, эр-хотин никоҳдан ажратилган ҳолларда вояга етмаган болалар тарбияси ва уларнинг моддий таъминоти масаласини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ана шундай одилона ҳаракатлар туфайли юзлаб оилаларнинг ўз мақомини сақлаб қолишга муваффақ бўлинганлиги эътиборга моликдир. Жумладан, 2006 йилнинг 9 ойида эр-хотинни яраштириш чораси кўрилганлиги оқибатида 1367 та никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик иши тугатилган. Бу рақам минглаб болаларнинг етимлик азоб-уқубутларига гирифтор этилмай, бахтиёр ҳаёт кечиришларига замин яратилганлиги билан изоҳланиши, шубҳасиз.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат пойдевори қурилмоқда. Бунда давлат қуришни ҳуқуқий саводхон, ҳуқуқ маданиятини мустаҳкам эгаллаган ёш авлод амалга оширади. Буюк давлатни қуриш учун баркамол инсон тарбияланмоғи зарур. Шу сабабли ёшларни ҳуқуқий давлат тизими ва моҳиятини чуқурроқ англаши, қонун асосларини билиши, қонун ҳурмат қилиши, уларга сўзсиз бўйсунити маданиятига эга бўлиши руҳида тарбиялаш бугунги куннинг асосий вазифасидир.

Бунинг учун жамиятнинг барча алоҳияти - иқтисодий, сиёсий, ижтимоий маданий-маърифий имкониятлари сафарбар қилинади ва ҳуқуқий асослар вужудга келтирилади.

Президентимиз ўнинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессиясида сўзлаган нутқида “Мустақиллик бизга нима беришини

билардик. Ўз тақдиримиз, ўз фарзандларимиз келажагини ўзимиз ҳал этиш имкониятига эга бўлдик. Ўз еримиз, бойликларимизга ўзимиз эгалик қила бошладик. Қисқа вақт ичида мустақиллигимизнинг неъматларини татиб кўрдик”.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган жамоатчилик фикри сўрови мамлакатда юз бераётган жамиятнинг ижтимоий тузилмасига дахл қиладиган жараёнлар ижтимоий йўналишларнинг алмашишига ва анъанавий қадриятларнинг қайта баҳоланишига олиб келганлигини кўрсатади. Ҳам ижтимоий, ҳам шахсий устуворликлар тобора аҳамиятлироқ бўлиб бормоқда. Бу ҳулосага Ўзбекистон ёшларининг устувор ҳаётий қадриятларини аниқлаш асосида келинди [4].

Шу билан бирга социологлар ва психологларнинг тадқиқотлари орқали ижтимоийлашув, яъни жамиятда муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун ўзини тутишни, ижтимоий нормалар ва қадриятларни ўзлаштириб олиш жараёнида асоциал ҳулқ-атворнинг ҳар хил шаклларига жалб этилиш хавфига кўплаб дучор бўлишини исбот қилади. Айниқса дунёқараши шаклланмаган ва қадриятлар тизими ўзгариб турадиган ўсмирларга қийин. Ўсмирлар ҳали ёш эканлиги туфайли уларнинг ахлоқ ва ҳақиқат ҳақидаги тасаввурлари вербал даражада бўлади, ҳали улар ҳулқ-атворининг англланган тартибга солувчисига айланмаган бўлади.

Тарбияси оғир, вояга етмасдан жиноят қилиб, жазо муддатини ўтаб келган ёшлар билан ишлашни ҳам ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик қилиш керак. Айнан шундай ёшларни жиноят йўлига киришига йўл қўймаслик, уларнинг онгига Ватанга садоқат, фидойилик ва инсонийлик ҳисларини сингдириш - кундалик ишимизда асосий қаратиладиган муҳим ишлардан биридир. Буни эса оила, маҳалла, ўқув муассасаси билан ҳамкорликда иш юритиб оқлай олиш мумкин.

Ҳулоса қилиб, ахлоқ, одоб, адолат ва адолатсизлик; яхшилик ва ёмонлик; эзгулик ва ёвузлик; мақтов ва иснод, жамият томонидан рағбатлантириладиган ва қораланадиган хатти-ҳаракатлар, ор-номус, виждон, бурч, қадр-қиммат ва ҳоказо категориялар кўринишида ижтимоий ҳаёт шароитларининг бевосита таъсири сифатида одамлар онгида пайдо бўладиган қарашлар, тасаввурлар ва қоидалардир.

Adabiyotlar/Literatypa/References:

1. Каримова Л.И. Социальная психология и реклама: Учебное пособие для вузов. Т.: Издательско-полиграфический творческий дом им. Г.Гуляма, 2004. С. 20.
2. “Ўзбекистон ёшларининг умумий тарбиясини юксалтиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий конференцияси материаллари 1-қисм.(Самарқанд, 2002 йил, 24-25 май) Самарқанд-2002.
3. Абдурасулова А. Вояга етмаганлар жиноятчилиги ва унинг олдини олиш муаммолари. “Қонун ҳимоясида” Т. №1. 2001й. 23 бет.
4. Нормаматова Махсуда. Девиант ҳулқ атвор социологияси. Дарслик. СамДУ нашриёти. 2023 йил